

"Urganch yog'-moy" AJ акциядорлари дикқатига!

Хурматли акциядорлар, "Urganch yog'-moy" AJ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 29 июн 2018 йил соат 10:00 да, Урганч ш., И.Дўсов кўчаси, 2 уйда ўтказилиши тўғрисида хабардор қиламиз.

Кун тартиби:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. «Urganch yog'-moy» AJнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш ҳамда 2017 йил учун тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. «Urganch yog'-moy» AJ Кузатув кенгашининг 2017 йил якунлари бўйича ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиш.
5. «Urganch yog'-moy» AJнинг 2017 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш.
6. «Urganch yog'-moy» AJнинг 2017 йил якуни бўйича Бош бухгалтернинг йиллик ҳисоботини, шу жумладан баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш.
7. «Urganch yog'-moy» AJнинг 2017 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторинг ҳулосасини эшитиш.
8. Urganch yog'-moy AJнинг 2017 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳолаш ташкилоти ҳисоботини кўриб чиқиш.
9. «Urganch yog'-moy» AJнинг 2017 йилдаги фойда ва зарарларни тақсимлаш, жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
10. Жамият ижроия органининг аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш ва уларнинг тузилишини маъқуллаш тўғрисида.
11. «Urganch yog'-moy» AJ таъсисчилигида ташкил этилган Натрий хлор асосида каустик сода ишлаб чиқаришга ихтисослашган ташкилот томонидан олинadиган кредитга кафил бўлиш тўғрисида.
12. «Urganch yog'-moy» AJ ижроия органи раҳбари билан меҳнат шартномасини кейинги акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача узайтириш.
13. «Urganch yog'-moy» AJ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
14. «Urganch yog'-moy» AJ жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати жорий йилнинг 25 июн ҳолатига тузилади.

Йиғилишда кўриладиган масалалар бўйича акциядорларга тақдим этиладиган материаллар билан танишиш ёки маълумот олиш учун қуйидаги манзил/электрон почта манзили ёки телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин:

Урганч шаҳри, И.Дўсов кўчаси, 2 уй

e-mail: info@urganchyog.uz, urganchoil@umail.uz.

Тел: 0 (362) 224-57-57

Йиғилишда қатнашадиган акциядорлар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.